

**SCIENCE
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzARB
muammolari**

Jild 3, Son 10

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 10 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-туманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиги.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакуллович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Фарманова Гулнара Комилевна

МЕТОДЫ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА 9-18

Саидбобоева Гулзора Нематжоновна

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ҲУЖЖАТЛАРИДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ ОХИРИ-30-ЙИЛЛАР БОШИ) 19-26

Ахмедов Шахзод Фарход ўғли

МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРИ 27-34

Mirsoatova Sayyora Turg'unovna

MARKAZIY FARG'ONA NEOLIT JAMOALARI MADANIYATI HAQIDA MULOHAZALAR 35-39

Янгибоева Дилноза Ўқтамовна

МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАҲДУМ САДРИ ЗИЁНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ 40-48

Maҳмудов Эркинжон Асқаралиевич
АРАБЛАР ТОМОНДАН ФАРГОНАНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ 49-53

Yoriqulov Nasibulla Xoliyorovich

O'ZBEKISTON HUDUDIGA G'ARB ME'MORCHILIK AN'ANALARINING KIRIB KELISHI 54-58

Ergasheva Bahridil G'olibjonovna

IJTIMOIY TARMOQLARDAGI REKLAMALARNING IJTIMOIY-MA'NAVIY HAYOTGA TA'SIRIGA DOIR MULOHAZALAR (ETNOSOTSILOGIK TAHLIL) 59-65

Абдухамидов Исломбек Абдухалим ўғли

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР 66-74

Boltayeva Moxichehra Jamshid qizi

XORIJUY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN ISHLAR VA ERISHILGAN KO'RSATKICHLAR (JIZZAX VILOYATI MISOLIDA) 75-80

Кандахаров Анваржон Хасанович, Бабаярова Шахноза Шухратовна

БУХОРО ХОНЛИГИДА АБДУЛЛАХОН II ДАВРИНИНГ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР 81-86

8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Boltayev Nurali Shiramatovich

AGRAR OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHNING BOSHQARUV SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI 87-93

<i>Дустова Мухайё Худайбердиевна</i>	
РОСТ, УСТОЙЧИВОСТЬ, ДОХОДНОСТЬ: ЭКОНОМЕТРИКА ФИНАНСОВЫХ ПОТОКОВ НА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ	94-102
<i>Ravshanov Malik Naimovich</i>	
МETHODOLOGY FOR DETERMINING THE NEED FOR ECONOMIC RESOURCES OF THE ROAD TRANSPORT COMPLEX.....	103-108
<i>Xushmuradov Oman Namozovich</i>	
TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI	109-115
<i>Raximjonov Kamronbek Ilxomjon o'g'li</i>	
DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA KORRUPSIYANI OLDINI OLISH	116-121
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Наврӯзова Гулчехра Нигматовна</i>	
АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ	122-128
<i>Talapov Baxriddin Aljanovich</i>	
KONSTITUTSIONIZM DEMOKRATIK RIVOJLANISHNING ASOSI SIFATIDA	129-134
<i>Tajibaev Muxiddin Abdurashidovich</i>	
JAMIyat HAYOTIDA SINERGETIK DUNYOQARASH PARADIGMASINI TADQIQ QILISHNING AHAMIYATI	135-140
<i>Солиев Икромжон Комилжонович</i>	
РАҶАМЛИ ДУНЁДА ИНСОН ҚАДРИ МУАММОСИ: ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН	141-147
<i>To'xtayev Xakim Primovich</i>	
TASAVVUF TA'LIMOTLARIDA QADRIYATLAR TRANSFORMATSIYASINING NAMOYON BO'LISH XUSUSIYATLARI	148-153
<i>Уразалиева Гулшада</i>	
СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КАТЕГОРИИ «ГЕНДЕР» В СИСТЕМЕ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ	154-160
<i>Гуламова Мавжуда Ташиулатовна</i>	
ИЖТИМОЙ АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИШДА КУМУШХОНАВИЙ ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ	161-167
<i>Xoliqov Lazizjon Maxmud o'g'li</i>	
GLOBAL O'ZGARISHLAR SHAROITIDA O'ZBEKISTONNING IJTIMOIY-DUNYOVII DAVLAT SIFATIDAGI MAQOMI (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL)	168-172
<i>Quvonov Sardor Zokirovich</i>	
МА'NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHDA "MANOQIBI SHAYX XUDOYDOD VALIY" ASARINING AHAMIYATI	173-178
10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	

Халметова Мехрибону Гайратжоновна
**ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕТСКОЙ ЛЕКСИКИ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ
ЯЗЫКАХ** 179-186

Abdijabbor Amanov
**MURAKKAB SINTAKTIK BUTUNLIKNING MATNNING KATTA BIRLIGI SIFATIDA O'ZIGA XOS
XUSUSIYATLARI** 187-193

Umarova Xurshida Zikiryoxonovna
AQSH ADABIYOTIDA PSIXOLOGIK ROMAN TADRIJI 194-201

Odinayev Bekqul Imamqulovich
LISONIY SHAXS: TA'RIF, TAHLIL, TALQIN 202-210

Jaloliddin Jo'rayev, Jamoliddin Jo'rayev
**"DEVONI LUG'ATIT-TURK" VA "GULSHAN UL-ASROR" DAGI QADIMGI TURKIY SO'ZLAR
QIYOSI** 211-217

Saidov Akmal Azimovich
**"TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI" YO'NALISHIDA TAHSIL OLAYOTGAN TALABALARDA
MADANIYATLARARO MULOQOT KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH** 218-224

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

Qosimov Botirjon Ma'rufjon o'g'li
**SUDYALAR OLIY KENGASHINI SUDYALARARNING CHINAKAM HAMJAMIYATI ORGANIGA
AYLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY MASALALARI** 225-231

Жўраев Дилмурот Мухторович
**МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН
НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ЭТИШДА КЕЛИШУВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА
ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР** 232-240

Эшонхонов Камолхон Маматхонович
**БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАСАРРУФ ЭТИШ ЖИНОЯТИНИ
КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР** 241-246

Бўриев Одил Қобилович
**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ
МЕЗОНИДИР** 247-253

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Umarzoda Shohruh Azamat o'g'li
**"ALGORITMIK TILLAR VA DASTURLASH ASOSLARI" FANI MAZMUNI VA O'QITISHNING
MAVJUD HOLATI** 254-259

Эргашева Гули Исмоил кизи, Инамова Гуллола
**ЗНАЧИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ФОНЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ПРОЦЕССЕ
КОММУНИКАЦИИ** 260-265

<i>Bobomurotov Sirojiddin Mengziyo o'g'li</i>	
BOSHLANG'ICH SINFLARDA TABIIY FANLARNI VARIANTIV TUSHUNCHALAR ASOSIDA O'QITISHDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING O'RNI	266-271
<i>Xudoyberdiyev G'iyosiddin Baxtiyor o'g'li</i>	
BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARDA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI	272-277
<i>Ботиров Азизбек</i>	
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ: АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ	278-283
<i>Эшбеков Сардор Журакулович</i>	
ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРVARЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	284-288
<i>Abdullaeva Feruza Suyunovna</i>	
KASBIY TERMINOLOGIYANI O'RGATISHDA INTERAKTIV TEXNOLOGIYALARNING O'RNI	289-293
<i>Ortiqov Oybek Rustamovich</i>	
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING TASHKIL ETILISHI.....	294-298
<i>Erhanova Nasiba Absayitovna</i>	
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARINING "TIL VA NUTQ" MARKAZIDA INNOVATSION FAOLIYAT OLIB BORISH	299-303
<i>Robiya Mannopova</i>	
INNOVATIVE COMPETENCY AS A CORE COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS.....	304-308
<i>Qodirov Olim Odilovich</i>	
REFLEKSIV YONDASHUV, UNING MOHIYATI VA KONSEPTUAL ASOSLARI.....	309-314
<i>Xaydarova Mahliyo Xabibullayevna</i>	
TARBIYA FANINI O'QITISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI.....	315-322
<i>Xasanova Gulsanam Xusanovna</i>	
IJTIMOIY-MADANIY FAOLIYATDA MAGISTRATURA TALABALARINING TASHKILIY- BOSHQARUV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI	323-328

Эшонхонов Камолхон Маматхонович
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси мустақил изланувчиси, Мажбурий ижро
бюроси Қўқон шаҳар бўлими бошлиғи

**БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАСАРРУФ ЭТИШ
ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР**

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 233-моддасида назарда тутилган банд солинган мулкни қонунга хилоф равишида тасарруф этиши жиноятини квалификация қилишдаги айрим масалалар кўриб чиқилган. Жумладан, ушбу жиноятнинг субъектини тўғри аниқлашдаги муаммолар таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан, ушбу жиноятни квалификация қилиш борасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: жиноят, субъект, мол-мulkни хатлаш, гаров, кредит.

Eshonxonov Kamolxon Mamatxonovich
Independent student of the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan, Head of the Kokand City
Department of the Enforcement Bureau

**CERTAIN ISSUES IN THE QUALIFICATION OF THE CRIME OF ILLEGAL EMPLOYMENT OF
SEIZED PROPERTY**

Abstract. This article considers some issues in the qualification of the crime of illegal disposal of seized property provided for in Article 233 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. In particular, the problems of correctly identifying the subject of this crime are analyzed. The author made suggestions for improving the law enforcement practice regarding the qualification of this crime.

Key words: crime, subject, seizure of property, bail, credit.

Эшанханов Камолхон Маматханович
Независимый студент Академии правоохранительных
органов Республики Узбекистан, Начальник
Коканского городского отдела БПИ

**НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЕЗАКОННОГО
РАСПОРЯЖЕНИЯ ИМУЩЕСТВОМ, ПОДВЕРГНУТЫМ АРЕСТУ**

Аннотация. В статье рассматриваются некоторые вопросы применения ст. 233 УК РУз, касающиеся квалификации незаконного распоряжения имущества, подвергнутым аресту. В частности, анализируются проблемы правильного определения субъекта данного преступления. В качестве выводов автором формулируются предложения по совершенствованию действующей правоприменительной практики данного преступления.

Ключевые слова: преступление, субъект, арест имущества, залог, кредит.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I10Y2023N34>

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасига мувофиқ, жиноят содир қилгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида 14 ёшдан ва 18 ёшдан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган жиноятлар белгиланган бўлиб, ушбу қисмлар таҳлили Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 233-моддаси бўйича жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 233-моддаси бўйича шахсни жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти сифатида хатланган ёки гаровга қўйилган мулк ишониб топширилган шахс, шунингдек, пул маблағларига банд солинганлигидан хабардор бўлган банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими бўлиши назарда тутилган.

А.А.Кирянов фикрича, “ушбу жиноятнинг субъекти сифатида 16 ёшга тўлган, ақли расо, хатланган ёки рўйхатга олинган мулк сақлаш учун ишониб топширилган жисмоний шахс ҳисобланади. Агар мол-мulkни сақлаш ишониб топширилган шахс, юқорида кўрсатиб ўтилган белгилардан ташқари мансабдорлик белгисига эга бўлса ва қилмиш мансаб ёки хизмат ваколатларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, унда қилмиш жиноятлар жами сифатида хатланган ёки гаровдаги мулкка нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир қилиш ҳамда мансабдорлик жиноятлари сифатида квалификация қилинади”[1, 87–92 б].

Д.Ю.Виноградов, “хатланган мулкни сақлаш учун мазкур жиноят бўйича субъекти ёшига етмаган шахсга топширилиши, мол-мulkни хатлашни қонунга хилоф қилади”, [2, 20 б] деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 294-моддасига мувофиқ, хатланган мол-мulk олиб қўйилиб, сақлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд бошқа ташкилот вакилига топширилиши мумкин. Хатланган мол-мulk мулқдорга ёки мол-мulk эгасига, унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бошқа шахсга сақлаб туриш учун қолдирилиб, унга ушбу мол-мulkнинг тўла-тўқис сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва бу ҳақда ундан тилхат олинади.

Гаров тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, “қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Ашёнинг мулқдори ашёни гаровга қўювчи бўлиши мумкин, гаровга қўйиладиган ҳуқуқнинг эгаси бўлган шахс ҳуқуқни гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Ушбу қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, гаров ҳуқуқи гаров тўғрисидаги шартнома тузилган пайтдан ёхуд, башарти шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганида эса у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади”[3].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, хатланган мулк шахсга белгиланган тартибда топширилган ёки гаровга қўйилган мулк бўйича уни сақлаш жавобгарлиги унга ўтган вақтда бошлаб, унда мулкни сақлаш мажбурияти юзага келади.

Хўш, мол-мulkни сақлаш мажбурияти бўлмаган, аммо ушбу мулкни бегоналаштиришда иштирок этган шахслар ушбу жиноят субъекти ҳисобланадими, уларни жавобгарликка тортиш шартлари қандай бўлиши керак?.

Суд ҳукмларини ўрганиш жараёнида банк кредити учун гаров таъминоти сифатида қўйилган кучмас мулкни сотишни расмийлаштирган нотариусларнинг Жиноят кодекси 233-моддаси билан жавобгарликка тортилгани ва ҳукм қилинганлиги ҳолатлари аникланди. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, нотариус эса, кўрсатиб ўтилган иккала тоифага ҳам кирмайди. Юқоридаги ҳолатда дастлабки тергов органи ва суд нотариусни ЖК 233-моддаси билан айблаб, қонун бузилишига йўл қўймаганми?.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айrim масалалари ҳақида»ги 4-сон қарори матнидан ушбу саволга билвосита жавоб топиш мумкин. Мазкур қарорнинг 8-бандида “Агар мансаб соҳтакорлиги мансабдорлик жиноятининг субъекти бўлмаган бошқа шахслар билан иштирокчиликда содир этилган бўлса, бундай иштирокчиларнинг ҳаракатлари, башарти улар талон-торож жинояти иштирокчиси бўлмаса, ЖК [228-моддаси](#) билан эмас, балки мазкур Кодекснинг [28, 209-моддалари](#) билан квалификация қилинмоғи керак”[4] лиги белгиланган.

Бундан, агар шахс ЖК Maxsus қисми муайян моддасида назарда тутилган жиноят субъекти ҳисобланмасада, аммо, ушбу жиноятни содир қилишда иштирок этган бўлса, унинг қилмиши иштирокчилик сифатида квалификация қилиниши зарурлиги ҳақида хулоса келмоқда. Шу мантиқ асосида, биз юқорида кўрсатиб ўтилган суд ҳукмида нотариуснинг гаровга қўйилганлиги муносабати билан таъқида бўлган мулкни сотишни расмийлаштирганлиги сабабли, уни бевосита ЖК 233-моддаси билан жавобгарликка тортилиши нотўғри бўлган, деб ҳисоблаймиз. Агар нотариус ушбу қилмишни пора эвазига содир қилган бўлса, пора олиш жинояти билан жавобгар бўлиши керак эди. Қилмиш пора олиш билан боғлиқ бўлмаган, аммо нотариуснинг ўз вазифаларини суиистеъмол қилиши ёки совуққонлик қилиши билан боғлиқ бўлса, ушбу жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган моддалар бўйича жавобгар бўлиши керак эди. Суд ҳукмида гаровдаги мулкни сотишни расмийлаштирган нотариуснинг ҳаракатлари ЖК 205-моддасининг иккинчи қисми “а” банди (жуда кўп миқдорда заар етказган ҳолда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш), 192¹¹-модданинг иккинчи қисми “а” банди (нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасдан фойдаланиши фуқароларнинг ҳукуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда заар етказиши), 233-моддаси (Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш) билан айбдор деб топилиши нотўғри бўлганлигини таъкидлаймиз. Агар нотариус мол-мulkнинг гаровда эканлигини, уни

Нотариуснинг ҳаракатларини ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳамда нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасдан фойдаланиши сифатида баҳоланишини ушбу мақола обьектига кирмаганлиги сабабли, уни муҳокама қилмасдан, нотариуснинг бевосита ЖК 233-моддасидаги жиноятни содир этишда айбдор деб топилиши нотўғри бўлганлигини таъкидлаймиз. Агар нотариус мол-мulkнинг гаровда эканлигини, уни

гаровдан чиқармасдан сотиш мумкин эмаслигини била туриб, олди-сотди шартномасини расмийлаштирганида, унинг қилмишини бевосита ЖК 233-моддаси билан эмас, балки 28, 233-моддаси билан квалификация қилиш тўғри бўлар эди.

Айрим олимлар мол-мулк хатланганлигидан ёки гаровга қўйилганлигидан хабардор бўлган, аммо уни сақлаш мажбурияти бўлмаган шахслар томонидан зарар етказилиши каби ҳолатлар қонун чиқарувчи томонидан назарда тутилмаганлигини таъкидлашган [5, 115–121 б, 312 б, 12–16 б, 17–22 б, 93 б].

Албатта, биз ҳам ушбу олимлар фикрига қўшиламиз, аммо юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ушбу шахсларнинг жиноий жавобгарлигини иштирокчилик институти орқали ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот давомида ўрганилган суд ҳукмлари таҳлили ушбу жиноятни содир қилган шахслар ижтимоий аҳволига оид қуйидаги маълумотларни аниқлаш имконини берди:

тадбиркорлик субъекти мансабдор шахслари (МЧЖ муассиси, директори, бухгалтери, ф/х раҳбари) – 68,8%;

банк ходими, нотариус – 14,8 %;

оддий ишчи, ходим, пенсиядаги шахслар – 6,6%;

вақтинча ишсизлар – 9,8% ни ташкил қилган.

Амалиёт материаллари таҳлили ушбу жиноят аксарият ҳолларда банклардан кредит олинган ва кредит таъминоти сифатида ўз мулкини гаровга қўйган, кредит қарздорлигини сўндирилмасдан гаровга қўйилган мулкларни сотиб юбориш орқали содир қилинганлигини кўрсатмоқда.

Д.Ю.Виноградов қонунда нафақат банк ёки бошқа кредит ташкилотлари ходимлари, балки мулкнинг хатланганлиги ёки гаровга қўйилганлигидан хабардор бўлган, уларнинг ҳаракатлари натижасида жиноий жавобгарликни келтириб чиқарадиган миқдорга етмаган ҳолда мулкка зарар етказганлик учун ҳам алоҳида жавобгарлик белгиланишини таклиф қилган [6, 46 б].

А.А.Гулый шахсни ушбу жиноятнинг субъекти деб ҳисоблашнинг зарурый шарти, айборнинг мулк хатланганлиги ёки гаровга қўйилганлигини билиши зарурлиги, деб ҳисоблади. Шахснинг мулкни хатланганлиги ёки гаровга қўйилганлигини билмаслиги, шахсни мазкур қилмиш учун жавобгарликка тортишни истисно қиласди, бундай ҳолларда зарур белгилар мавжуд бўлганида қилмиш ЖК бошқа моддалари билан квалификация қилиниши кераклигини таъкидлайди [7, 32-34 б].

Биз ҳам ушбу муаллиф фикрига қўшиламиз, чунки шахс айнан хатланган ёки гаровга қўйилган мулк эканлигини билиб, уни тасарруф қилганидагина ЖК 233-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқади.

Ушбу талабга риоя қилмаслик, қўйилган айловларнинг бекор бўлишига олиб келишини қуйидаги мисол орқали гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Дастлабки тергов органи томонидан А. исмли шахсга шахсга ЖК 167-моддаси учинчи қисми “а” банди, 179-моддаси ва 233-моддаси билан иш қўзғатилиб, тергов олиб борилган ва иш судга юборилган. Суд томонидан ишни кўриб чиқища қуйидагилар маълум бўлган: А. МЧЖ ташкил қилиб тадбиркорлик фаолияти олиб борган. Фаолиятини кенгайтириш учун банқдан кредит олган ва кредит таъминоти сифатида Б.га тегишли МЧЖ балансида бўлган юк ташиш машинасини гаровга қўйган.

Кредит қарздорлиги ўз вақтида сўндирилмаган, гаровда бўлган юк машинаси эса, гаров таъминоти сифатида қўйилмаслиги учун яшириб қўйилган. Суд муҳокамасида маълум бўлишича, гаровга қўйилган юк машинасини сақлаш мажбурияти А. га эмас, балки Б.га юклатилган экан. Шу сабабдан ҳам суд, бу ҳолатда А.нинг ҳаракатларида ЖКнинг 233-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби йўқ ва содир этилган жиноятга дахли бўлмаган деган холосага келиб, айловнинг шу қисми бўйича Ани айбиз деб топиб, ЖПК 83-моддаси 2,3-бандларига мувофиқ оқлаган [8].

Ушбу мисол тадқиқ қилинаётган жиноят учун айнан хатланган ёки гаровдаги мулк сақлаш учун топширилган шахс жавобгар бўлиши мумкинлигига, гарчанд мулк бошқа шахснинг кредит таъминоти учун гаровга қўйилган ва айнан ушбу шахс ҳақиқатда гаровда турган мулқдан фойдаланиб келган бўлсада, аммо мулкни сақлаш мажбурияти унга юклатилмаганлиги учун, шахс ЖК 233-моддаси бўйича жавобгарликдан қутилиб қолишига олиб келганлигини, яъни қонун ушбу жиноят субъекти ҳисобланадиган шахслар доирасини қатъий белгилаганлигини кўрсатади.

Юқорида кўриб чиқилганлардан келиб чиқкан ҳолда, холоса ўрнида ЖК 233-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ақлирасо, хатланган ёки гаровга қўйилган мол-мулк сақлаш учун топширилган, шунингдек, банк ёки бошқа кредит муассасасининг маблағларнинг банд солинганлигини билган ходимлари бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Хатланган ёки гаровга қўйилган мулк сақлаш учун топширилмаган, аммо бундай мулкларни қонунга хилоф тасарруф этишда қатнашган шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари иштирокчилик институти орқали баҳоланиши лозим.

Adabiyotlar/Literatura/References:

1. Кирьянов А.А. Незаконные действия в отношении имущества, подвергнутого описи или аресту либо подлежащего конфискации. // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. – 2023. – № 1 (97). – С. 87–92; doi: 10.35750/2071-8284-2023-1-87-92.
2. Виноградов Д.Ю. Незаконные действия в отношении имущества, подвергнутого описи или аресту (уголовно-правовая характеристика и вопросы квалификации). Автореферат диссертации на соискании ученой степени кандидата юридических наук. Тюмень-2008. С. 20
3. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/59914>
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айrim масалалари ҳақида”ги 4-сон қарори. <https://lex.uz/docs/1454894>
5. Дворянков И. В. Незаконные действия в отношении имущества, подвергнутого описи или аресту либо подлежащего конфискации / Уголовно-исполнительная система: педагогика, психология и право : материалы Всерос. научно-практической конференции, Томск 19–20 апреля 2018 г.: в 2 ч. / под общ. ред. В. А. Уткина, вып. 6. – Томск: ФКУ ДПО Томский ИПКР ФСИН России, 2018. – Ч. 1. – С. 115–121.; Векленко С.

- В., Виноградов Д. Проблемы отграничения преступлений, предусмотренных ч. 1 ст. 312 УК РФ от смежных и конкурирующих составов преступлений // Уголовное право. – 2007. – № 5. – С. 12–16.; Швейгер А. О. Проблемные вопросы уголовной ответственности за совершение незаконных действий в отношении имущества, подвергнутого описи или аресту (ст. 312 УК РФ) // Вестник Дальневосточного юридического института МВД России. – 2019. – № 4 (49). – С. 17–22.; Плаксина Т. А. Уголовная ответственность за незаконные действия в отношении имущества, подвергнутого описи или аресту либо подлежащего конфискации (ст. 312 УК РФ) : монография. – Баранул: Изд-во Алтайского государственного университета, 2007. – 93 с.
6. Виноградов Д Ю О субъективной стороне преступления, предусмотренного ч. 1 ст. 312 УК РФ// Психопедагогика в правоохранительных органах - 2006. - № 2(26). С. 46.
 7. Гулый А.А. Квалификация незаконных действий в отношении имущества, подвергнутого описи или аресту либо подлежащего конфискации, при их совершении лицом с использованием своего служебного положения // Исполнительное право. - 2006. - № 1. С. 32-34.
 8. Жиноят тишлари бўйича Хива туман судининг 2023 йил 13 февралдаги 1-2208-2201/33-сонли жиноят иши бўйича ҳукми. <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 10 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).